

## Яшил иқтисодиётнинг муҳимлиги

Н.А.Мамадалиева

И.Каримов номидаги ТДТУ Олмалик филиали

**Аннотация:** Бугунги кунда дунёнинг қайси бир минтақасини олиб қарамайлик, инсон ҳаёти учун катта хавф туғдираётган экологик вазиятни бартараф қилишдек оғир муаммолар ўз ечимини кутиб турганлигининг гувоҳи бўламиз. Инсоният XXI асрга қадам қўяр экан, унинг олдида оламни асраш, келажак авлоднинг барқарорлигини таъминлаш, турли экологик муаммоларнинг олдини олишдек долзарб масала кўндаланг турибдики, бу ҳеч кимни ташвишга солмай қолмайди. Умуман олганда, барча экологик муаммолар инсон билан табиат ўртасидаги уйғунлик ва мувозанатнинг бузилиши оқибатида вужудга келмоқда. Ушбу муаммоларнинг ечими сифатида ҳукуматимиз доирасида муҳим ишларни амлга оширишда муҳим қадамлар ташланмоқда.

**Калит сўзлар:** яшил иқтисодиёт, минтақа, экологик вазият

## The importance of a green economy

N.A.Mamadaliyeva

TSTU named after I.Karimov Almalyk branch

**Abstract:** No matter which region of the world we look at today, we can witness that difficult problems such as eliminating the ecological situation that poses a great threat to human life are waiting for their solution. As humanity enters the 21st century, it faces urgent issues such as protecting the world, ensuring the stability of the future generation, and preventing various environmental problems, which does not leave anyone worried. In general, all environmental problems arise as a result of the violation of harmony and balance between man and nature. As a solution to these problems, important steps are being taken within our government to implement important work.

**Keywords:** green economy, region, environmental situation

Яқинда Кореяда “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик - 2030” бўлиб ўтди, унда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Унда давлатимиз раҳбари: “Бугунги кунда она табиатнинг ўзи бизга йўллаётган огоҳлик кўнғироғига бепарво бўлмаслигимиз керак. Афсуски, иқлим

ўзгаришлари тобора кучайиб бормоқда. Биз яшаётган Марказий Осиёда сўнгги 30 йилда ўртача йиллик ҳарорат тахминан бир даражага кўтарилди. Минтақамиздаги асосий дарёларнинг ҳавзаси ва биологик хилма-хилликнинг қисқариб бораётгани жиддий хавотир уйғотмоқда. Буғланиш даражасини оширадиган газлар ва атмосферанинг кенг миқёсда ифлосланиши муаммоларни янада чуқурлаштирмоқда. Бугунги кунда “яшил тараққиёт” борасидаги мақсадларга эришиш учун мамлакатларнинг ҳаракатлари янада фаол ва самарали бўлиши кераклигига ҳеч ким шубҳа қилмаяпти. Бошқа чорамиз ҳам йўқ”, деб таъкидлади.

“Яшил тараққиёт”га эришиш учун “яшил иқтисодиёт”га ўтишимиз ва уни ривожлантиришимиз лозим бўлмоқда. Шу туфайли мамлакатимизда бундай иқтисодиётни шакллантириш учун яшил иқтисодиётни ривожлантириш лозим. Яшил иқтисодиёт иқтисодиёт фанларининг бир йўналиш сифатида ўтган асрнинг охирида пайдо бўлди. Мазкур иқтисодиёт табиий муҳитнинг таркибий қисми бўлиб, унинг бир йўналиши ҳисобланади. Яшил иқтисодиёт тушунчаси иқтисодий фанлар ва фалсафанинг кўплаб бошқа соҳаларидаги ғояларни ўз ичига оладиган табиат ва жамият билан боғлиқ экологик иқтисодиёт, атроф-муҳит иқтисодиёти, ресурсларга асосланган иқтисодиёт, аҳолининг ривожланиши, феминизм иқтисодиёти каби яшил сиёсат билан боғлиқ иқтисодиётни ўз ичига олади.

Яшил иқтисодиёт бу иқтисодий тизим бўлиб, унинг асосий мақсади сайёрамизнинг экологияси ва уни сақлаб қолиш билан бирга иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган. Шундай қилиб яшил иқтисодиёт деганда, инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарур бўлган ресурсларни, атроф-муҳит ва экологияни бир бутун ҳолда сақлаб қолиб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан боғлиқ иқтисодиётни янада ривожлантиришни амалга оширишга асосланган иқтисодий фаолиятнинг янги йўналиши тушунилади.

Бунда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Авваламбор, - аҳолининг эҳтиёжларини қондириб, уларнинг ҳаёт фаравонлигини ошириш муҳим. Унинг учун эса моддий неъматларни яратишнинг барқарорлигига эришишда атроф - муҳитга зарар етказмасдан уларни доимий кўпайтириб бориш.

- Такрор ишлаб чиқаришни ўстириш ва иқтисодиётни ривожлантириш учун энергия ресурслари муҳим. Уларни эса қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан кўпайтириб бориш, қолаверса, энергия тежайдиган биналарни қуриш кўпайтириш бўйича инновацион лойиҳалар яратиш каби йўналишларда ишларни олиб бориш.

- атроф муҳитга зарар етказмайдиган атроф-муҳитга таъсир этмайдиган, экологик тоза технологияларни яратиш орқали экологик тоза маҳсулотларни етиштириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади.

- бир томондан, табиатдаги барча ресурслар чекланган бир пайтда инсон эҳтиёжлари чексизлигини инобатга олиб, уларнинг мувофиқлигини таъминлаш мақсадида неъматларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришни табиий ресурсларни камайтирмасдан амалга ошириш чораларини ҳам кўриш долзарб масалалар сирасига киради.

- Бугун атроф муҳитга юз бераётган индустриал таъсирларни ўрганишнинг ўзи камлик қилади. Балки, атроф муҳитга бўлаётган экологик таъсирларнинг оқибатларини аниқлаштириш - давлат мониторингини юритиш зарур. Бунга экологик индикаторлар ёрдамида эришиш мумкин. Экологик индикаторлар ёрдамида атроф муҳит ҳолати, табиатга инсон фаолияти натижасида етказиладиган салбий оқибатлар аниқланади дунёнинг кўпгина мамлакатларида саноатнинг ривожланиши билан табиий муҳитга индустриал таъсир ошиб бормоқда. Бугун атроф муҳитга юз бераётган, ушбу индустриал таъсирларни ўрганишнинг ўзи камлик қилади. Балки, атроф муҳитга бўлаётган экологик таъсирларнинг оқибатларини аниқлаштириш - давлат мониторингини юритиш зарур. Бунга экологик индикаторлар ёрдамида эришиш мумкин. Экологик индикаторлар ёрдамида атроф муҳит ҳолати, табиатга инсон фаолияти натижасида етказиладиган салбий оқибатлар аниқланади. Экологик индикаторларни танлашда ҳар бир давлат ўзининг табиий географик жойлашуви, иқлими ва бошқариш тизимининг ўзига хослиги, ҳудудидаги барқарор ривожланишига тўсиқ бўлаётган долзарб экологик муаммолар нуқтаи назаридан ёндошиш муҳим. Экологик индикаторлар ёрдамида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида амалга ошириш зарур бўлган вазифалар, белгиланган муддатларда бажариш режаси эса экологик стратегия орқали амалга оширилади. Экологик стратегиялар тадбиқ этиш даражасига кўра, глобал(сайёравий), миллий, ҳудудий ва маҳаллий экологик стратегияларга фарқланади. Ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам атроф муҳитга етказиладиган зарарларнинг салбий оқибатлари белгиланган индикаторлар орқали аниқланиб, аниқ вазифа ва чора тадбирларни ўз муддатларида бажариш орқали соҳада муҳим экологик стратегияни ўрнатиш имкониятига эришиш мумкин. Юқоридагиларга мувофиқ, мамлакатимиз ҳукумати ва БМТ тараққиёт дастурининг кўшма “Атроф муҳит ҳолати мониторинги учун экологик индикаторлар” лойиҳаси юртимизда экология соҳасидаги ягона давлат мониторингини юритишга ёрдам беришига шубҳа йўқ. Танланган экологик индикаторларга мос экологик стратегия табиатни муҳофаза этиш, мавжуд

табiiй ресурслардан ўринли ҳамда оқилона фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши муҳим.

-Бозор шароитида аҳолининг доимий ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун қанча ишлаб чиқариш, қандай ишлаб чиқариш, кимга мўлжаллаб ишлаб чиқариш масаласига атроф-муҳитни асраган ҳолда катта аҳамият берилади.

Демак, яшил иқтисодиётда инсон, табиат ва иқтисодиётнинг бир-бири билан уйғун ва барқарор ривожланишини таъминлаган ҳолда ҳаракат қилиш муҳимдир. Яратилаётган бир нарсага эга бўлиб, иккинчи бир нарсдан воз кечилмайди, йўқотилмайди. Технологияларни кўпайтириш орқали иқтисодиётни ривожлантириш билан ҳаво атмосферасини заҳарли газларни кўпайтириш эвазига амалга оширилмайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. М. Пардаев - “Яшил иқтисодиёт нима?” мақола 2023й.
2. Ж.Т.Холмуминов - “Ўзбекистон республикасининг экология ҳуқуқи” ўқув қўлланма 2003й.
3. М.Н.Мамадалиева - “Атроф муҳит ва табiiй ресурслар иқтисодиёти” ўқув қўлланма 2023й.
4. У.А.Ҳақимов. Табиат муҳофазаси авлодлар келажаги. Навоий. 2009й
5. Р.Ҳабиров, Н.Королёва, Т.Ишмухаммедов. Эколог-эксперт справочниги. Т. 2009 й.
6. Базарова, С. Д., Байчаев, Ф. Х., & Манглиева, Ж. Х. (2018). Организация учебного процесса на основе интеграции обучения с производством. Вопросы науки и образования, (11 (23)), 38-39.
7. Мамадалиева, Н. А., & Суяров, Х. У. (2023). Кончилик саноатида янги технологияни жорий этиш ва унинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўли. Science and Education, 4(5), 789-795.
8. Mamadaliyeva, N. A. MACROECONOMIC IMPORTANCE USE AND CONSUMPTION OF PHOSPHATE FERTILIZERS. GWALIOR MANAGEMENT ACADEMY, 9.
9. Turdimovich, A. T., & Khasanovich, S. M. (2023). The study of air pollution at the present stage. Eurasian Journal of Engineering and Technology, 17, 71-75.
10. Sarikulov, M. K. (2023). Problems of Shortage of Drinking Water at the Present Stage. Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal, 2(4), 873-880.
11. Сариккулов, М. Х., & Рискулов, Х. А. (2022). НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ РАСПРОСТРАНЕНИЯ РАДИАЦИИ И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА ЗДОРОВЬЕ НАСЕЛЕНИЯ. Universum: технические науки, (2-1 (95)), 20-23.

12. Адилов, Т. Т., Сарикулов, М. Х., Матқобилов, А. К., & Шохрух, Д. Ў. М. (2022). Роль воспитания в формировании личности. *Science and Education*, 3(6), 572-580.

13. Каримкулов, К. М., Узаков, И. Э., & Сарикулов, М. Х. (2022). Роль химического состава пищевых продуктов в специальности химия товаров. *Science and Education*, 3(12), 309-314.

14. Uzoqqov, I. E., & Yusupov, B. B. O. G. L. (2023). Yong'oq yetishtirishda yetakchi mamlakatlarda zararkunandalarga qarshi kurashish chora tadbirlari. *Science and Education*, 4(5), 274-282.